

## Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга берилган микроқарз кредитини суғурталаш

Тошкент шаҳри

Умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун 2022 йил "25" февралда берилган СФ № 00045-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг лицензия ва Устав асосида ҳаракат қилувчи «**ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI**» АЖ ОҚ УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Шартномада келишилган тўлов (**Суғурта мукофоти**) учун **Суғурталовчи** шартномада келтирилган ҳодиса (**Суғурта ҳодисаси**) натижасида **Суғурта қилдирувчининг** № \_\_\_\_\_ - сонли Микроқарз шартномаси бўйича етказилган зарарни шартномада келишилган пул (**Суғурта пули**) ҳажмида қоплаш (**Суғурта товонини** тўлаш) мажбуриятини олади. Ушбу шартнома Анкета-ариза ва 14 класс бўйича Суғурта Қоидаларига (Шартларига) асосланган ҳолда тузилган бўлиб, улар шартноманинг ажралмас қисми деб тан олинади. **Суғурта қилдирувчи** Микроқарз шартномаси бўйича **Қарз олувчига** пул маблағларни қарзга берганлиги тўғрисида **Суғурталовчи** хабардор.

Суғурта товони фақат **Қутиш давридан** сўнг тўланади.

1.2. Суғурта қилдирувчининг Микроқарз шартномаси бўйича зарарлари, жумладан, Қарз олувчининг ўз мажбуриятларини бузганлиги сабабли зарарлари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган мулкый манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади.

1.3. **Суғурта жойи** деб Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади.

1.4. **Наф олувчи** (Банк, Кредит Уюшмаси) \_\_\_\_\_.

1.5. **Қарз олувчи** (ф.и.ш., туғилган йили, паспорти, иш жойи, лавозими) \_\_\_\_\_.

1.7. **Тўлов санаси** (Микроқарзни қайтариш санаси) \_\_\_\_\_.

1.8. **Қутиш даври** - ҳар қандай зарарни қоплаш олдидан тугаши керак бўлган, Тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган узлуксиз календар кунлари сони 90 (Тўқсон) кун.

1.9. Берилган Микроқарз маблағларининг йиллик фойизи \_\_\_\_\_ %

1.10. **Шартсиз франшиза** суғурта пулидан \_\_\_\_\_ % ни ташкил қилади.

1.11. Микроқарзнинг миқдори \_\_\_\_\_ сўм. Шартнома бўйича **Суғурта пули** \_\_\_\_\_ сўм.

1.12. Шартнома бўйича **Суғурта мукофоти** \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади ва Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки унинг суғурта агентига ушбу Шартномани томонлар имзолагандан сўнг 3 (уч) банк куни ичида тўланади.

1.13. Мазкур шартнома Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга киради. Суғурта мукофоти тўланган санаси деб Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки суғурта агентига суғурта мукофоти тушган куни белгиланади.

1.14. Суғурталовчининг суғурта товонларини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга киради, лекин ҳар қандай ҳолатда - Микроқарз шартномасининг бошлангандан кейин. Суғурталовчи фақат Полисада кўрсатилган даврдаги содир бўлган суғурта ҳодисалар учун тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда жавоб беради.

1.15. Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлигини ва суғурта қоидаларининг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти Суғурталовчига тўлангандан кейин 3 (уч) кун ичида берилади.

1.16. Мазкур Шартнома унга барча томонлар имзолагандан бошлаб \_\_\_\_\_ ой амалда бўлади.

## 2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

Суғурта ҳодисаси деб Суғурталанган даврда юзага келган тўловларни амалга ошириш учун қарз олувчи томонидан Микроқарз шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, натижасида Суғурта қилдирувчига етказилган зарар Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси асосида суғурта қопламасини тўлаш жадвалида келишилган муддат учун қуйидаги сабабларга кўра ўз вақтида тўла ёки қисман қайтарилмаганлиги тан олинади:

а) Бахтсиз ҳодиса натижасида **Қарз олувчининг соғлиги** узил-кесил ишдан чиқиши (**1 гуруҳ ногиронлик**);

б) Бахтсиз ҳодиса натижасида **Қарз олувчининг ўлими**.

## 3. СУҒУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

3.1. Мазкур шартнома асосан **Суғурта қилдирувчи** кредитлаш тўғрисидаги қоида ва йўриқномаларга риоя этмаслик ҳолларга йўл қўйса, микроқарзнинг қайтмаслиги учун **Суғурталовчи** жавобгар бўлмайди.

3.2. Суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда суғурта товонини тўламасликка ҳақлидир:

а) Агар **Суғурта қилдирувчи** ёки **Қарз олувчининг** ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги Микроқарз шартномасини бузилишига йўналтирилган бўлса;

б) Агар **Суғурта қилдирувчи** томонидан ноқонуний ёки фирибгарлик ҳаракатлари содир этилган бўлса ва бу ҳаракатлар суғурта ҳодисанинг сабабларидан бири бўлса;

в) Агар **Суғурта қилдирувчи** ёки Қарз олувчи **Суғурталовчининг** мазкур шартномадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилса;

г) Агар **Суғурта қилдирувчи** суғурта шартномани шартларини бузган бўлса ёки ўзининг мажбуриятларини бажармаган бўлса;

д) Агар Микроқарз шартномасига **Суғурталовчи** билан келишилмаган ҳолда ўзгартиришлар киритилган бўлса.

3.3. Агар суғурта ҳодисасининг сабаблари қуйидагилардан иборат бўлса, суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) **Суғурта қилдирувчининг** қасддан қилинган ҳаракатлари (порахўрлик, фирибгарлик, мансабини суистеъмол қилиш ва ҳ.к.) берилган микроқарз юзасидан суғурта ҳодисага олиб келган бўлса;

б) **Суғурта қилдирувчининг** қўпол хатолари:

- Микроқарзни қалбаки ҳужжатлар асосида Қарз олувчига бериш;

- Микроқарз шартномасининг шартлари бўйича пул маблағларини Қарз олувчига бериш муддатларини бузиш;

- Қарзларни қайтариш жараёнида хато ва бузишларга йўл қўйиш, шу жумладан, Қарз олувчининг маблағларини

қарзни тўлашга эмас, балки бошқа мақсадларга ҳисоблаш.

в) ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), террорчилик ҳаракатлари, фуқаролар уруши, инқилоблар, исъёнлар ёки фуқароларнинг шунга ўхшаш оммавий чиқишлари, шунингдек, ички тартибсизликлар (митинглар, иш ташлашлар, намоёнишлар);

г) табиий офатлар, ядро портлаши, ядро ёқилғисининг сирқиб чиқиши ёки ёниши натижасида атроф-муҳитнинг ионлаштирувчи радиацияланиши ва ифлосланиши. Мазкур истисно мақсадлари учун ядро ёқилғисининг ёниши деганда атомларнинг ҳар қандай парчаланиши тушунилади;

3.4. Ҳодисалар суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди, агар улар қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида рўй берган бўлса: расмий спорт тадбирларида (мусобақаларда) ёки касбий асосда спорт билан мунтазам шуғулланиш (машқ қилиш, кўргазмали чиқишлар, йиғилишлар ва ҳоказолар) билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларда қатнашиш, турли учуш аппаратларидан фойдаланиш, парашютда сакраш, тоғ чанғиси ва альпинизм билан шуғулланиш, соғлиқ ва ҳаёт учун бевосита жуда хавфли бўлган бошқа тадбирларда қатнашиш;

ёки қуйидагилар сабабли рўй берган бўлса:

а) эпидемия;

б) агар бахтсиз ҳодиса **Қарз олувчининг** спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсирида маст ҳолатида содир бўлса, шунингдек, транспорт воситасини маст ҳолатида бошқарганида ёки транспорт воситаси ичида бўла туриб, спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлиги;

в) ўз жонига суиқасд қилганлиги;

г) **Қарз олувчининг** ҳаракатлари (бу ҳаракатларда тергов органлари ёки суд томонидан атайин ҳуқуқбузарликка йўл қўйиш белгилари аниқланган бўлса);

д) майда безорилик ёки муштрашиш (агар суд ёки тергов органи қарорига кўра **Қарз олувчи** унинг ташаббускори бўлганлиги аниқланган бўлса; **Қарз олувчининг** фуқаролик бурчини бажариши, ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги, орномусини ва обрўсини ҳимоя қилиши билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан можаро бундан мустасно);

е) жароҳат асоратларини даволаш билан боғлиқ бўлмаган ташхис, даволаш ва профилактика (дориларни инъекцияси билан бирга) тадбирларининг салбий оқибатлари;

ж) техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва саноат санитарияси меъёрларини қўпол бузилиши;

з) суғурта шартномаси тузилаётган вақтда **Қарз олувчида** мавжуд бўлган юрак-қон томир тизими, қандли ва қандсиз диабет ва асаб касалликларининг зўрайиши ёки хуруж қилиши;

и) ички аъзоларнинг инфаркти (инфаркт ҳеч қачон бахтсиз ҳодисанинг натижаси деб ҳисобланмайди);

3.5. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта объекти, қалтислик даражаси ёки суғурта ҳодисаси содир бўлиш ҳолатлари ҳақида атайин ёлғон маълумотларни берганда;

3.6. Агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчининг ғаразли ҳаракатлари туфайли содир бўлган бўлса;

3.7. Агар Суғурта қилдирувчи мазкур Шартноманинг 4.3.5. бандида кўрсатилган қалтисликлар даражаси ҳар қандай жиддий ўзгаришлари ва суғурта ҳодисаси содир бўлиши эҳтимолининг ортишига олиб келадиган хатарлар ҳақида Суғурталовчини хабардор этмаган бўлса;

3.8. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси рўй берганлиги маълум бўлгандан сўнг, бу ҳақда Суғурталовчини шартномада келишилган муддатда ва усулда хабардор қилмаган тақдирда ёки суғурта ҳодисасига тегишли ҳужжатларни белгиланган муддатда ва усулда Суғурталовчига тақдим этмаса;

3.9. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан копланадиган зарар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки Суғурталовчига регресс ҳуқуқидан фойдаланиш учун тегишли ҳужжатларни беришдан бош тортса. Агар бу ҳолатда Суғурта товони тўланган бўлса, Суғурталовчи унинг тўла ёки қисман қайтариш талабини қўйишга ҳақли ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосланган бошқа ҳолатларда.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. **Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

4.1.1. Суғурта қилдирувчи ва ваколатли органлардан суғурта ҳодисаси юзасидан маълумотларни сўраб олиш ва ҳодисаларнинг сабабларини мустақил ўрганиб чиқиш.

4.1.2. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда қалтислик даражаси ўзгарса, у қайси томонга ўзгаришига қараб суғурта мукофотининг миқдори кўпайиш ёки камайиш томонига қайта кўриб чиқиш.

4.2. **Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

4.2.1. Суғурта қилдирувчини суғурта шартлари билан таништириш.

4.2.2. Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суғурталовчи маълумотларни давлат органларига тақдим этишга мажбур бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

4.2.3. Суғурта ҳодисаси тан олинганда мазкур шартномага мувофиқ суғурта товонини белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаб бериш.

4.3. **Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

4.3.1. Ўз ҳисобидан суғурта ҳодисаси содир бўлиш эҳтимолини олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўриш.

4.3.2. Ўз вақтида суғурта мукофотини тўлаш.

4.3.3. Суғурталовчининг манфаатларига қарши бўлган ҳатти-ҳаракатларни қилмаслик ва суғурта ҳодисаси юзидан барча масъулият ва молиявий мажбуриятларни Суғурталовчи билан ёзма равишда келишилган ҳолда қабул қилиш.

4.3.4. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда қалтисликлар даражаси ҳар қандай жиддий ўзгаришлари ва суғурта ҳодисаси содир бўлиши эҳтимолини ортишига олиб келиши мумкин бўлган хатарлар ҳақида суғурталовчига ёзма равишда хабар бериш, айнан:

а) Микроқарз шартномасининг шартлари ўзгариши ва қўшимчалари тўғрисида;

б) Микроқарз шартномасида кўзда тутилган лойиҳанинг амалга ошиш муддатлари ўзгарганда.

д) Қарз олувчининг фаолиятини тўхтагани тўғрисида, иш жойи ва лавозими ўзгарганлиги тўғрисида, агар бу микроқарзнинг қайтмаслигига таъсир этиши мумкин бўлса;

4.3.5. Суғурта воқеаси содир бўлганда Суғурталовчига шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда хабар етказиш ва барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этиш.

#### 4.4. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуққа эга:

- 4.4.1. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиш.
- 4.4.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказишни талаб қилиш.
- 4.4.3. Суғурталовчи ва Қарз олувчи билан келишилган ҳолда суғурта шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

### 5. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ СОДИР БЎЛГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Микроқарз шартномаси тугагач, Қарз олувчи ўз қарзини мазкур Шартноманинг 2-чи бўлимида кўрсатилган сабаблар туфайли тўламаган тақдирда, Суғурта қилдирувчи, қарзни қайтириш бўйича барча чораларни амалга оширган ҳолда Тўлов санасидан кейин:

- 5.1.1. 5 (беш) банк куни ичида Суғурталовчини ёзма равишда хабардор этади.
- 5.1.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва қўрилган зарарлар тўғрисида барча харажатлар Суғурта қилдирувчи зиммасида бўлади (шу жумладан, лозим бўлганда, экспертиза ўтказиш, мутахассисларни жалб этиш ва тегишли ҳужжатларни йиғиш ва ҳ.к.).
- 5.1.3. Суғурталовчига суғурта товонини тўлаш талабини қўйиш учун Суғурта қилдирувчи Кутиш давридан кейин 10 (ўн) календар куни ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- суғурта товонини тўлаш тўғрисида даъво аризаси;
- Суғурта Полиси (асл нусхаси), Кредит шартномасининг нусхаси;
- суғурта ҳодисага таъълукли барча ҳужжатлар, айнан:

- а) Қарз олувчининг иш ҳақи, ёки даромадлари тўғрисида маълумотнома;
- б) банкнинг сальдо маълумотномаси, Қарз олувчининг ҳисоб рақамида мавжуд бўлган пуллар тўғрисида ва пуллар оқимини ҳаракати тўғрисида банк томонидан тасдиқланган маълумотнома;
- в) Қарз олувчининг паспортидан нусха, иш ва яшаш жойидан маълумотномаларнинг нусхаси;
- г) Қарз олувчининг ўлими ёки 1-гурӯх ногиронлиги тўғрисида нотариус томонидан тасдиқланган гувоҳноманинг нусхаси

5.2. Барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Суғурталовчи:

- 5.2.1. Суғурта товонининг ҳисобини чиқаради;
- 5.2.2. Шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта товонини тўлайди.

### 6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчига Қарз олувчининг Микроқарз бўйича қарзининг фақат қолдиқ қисмини тўлайди. Микроқарз бўйича фоизлар, жарима ва пенялар тўланмайди.

6.2. Шартнома бўйича Суғурталовчининг масъулияти суғурта пули билан чекланади.

6.3. Агар суғурта ҳодисанинг сабаблари ва қопланадиган зарарнинг миқдори тўғрисида томонлар келиша олмаса, ҳар бир томон экспертиза ўтказиш талабини қўйишга ҳақли. Экспертиза уни талаб қилган томон ҳисобидан ўтказилади.

6.4. Агар суғурта товонини тўлаш вақтида шу Микроқарз шартномаси бўйича бошқа суғурта шартномалари ёки таъминотлар (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) амалда бўлса, улар биринчи навбатда ишлатилиши лозим. Суғурталовчи бундай ҳолатларда фақат ўзига тегишли товоннинг қисмини тўлашга мажбур.

6.5. Агар Суғурта қилдирувчининг зарари бошқа шахслар томонидан қопланган бўлса, Суғурталовчи бундай ҳолатларда зарарнинг шартнома бўйича миқдори ва қопланган зарарнинг фарқини тўлаб беради. Бундай бошқа шахслар томонидан қоплаган зарарлар тўғрисида Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини хабардор этиши шарт, агар бу ҳолатлар суғурта товони тўлангандан кейин ҳам содир бўлса.

6.6. Агар зарарнинг миқдори шартсиз франшизадан ошмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод этилади. Агар зарарнинг миқдори шартсиз франшизадан ошса, тўланадиган суғурта товонидан франшиза миқдори айириб тўланади.

6.7. Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳамда зарарнинг миқдорини аниқловчи ҳужжатлар асосида Суғурталовчи суғурта ҳодисасини тан олиш ҳақида 15 (ўн беш) банк кун ичида қарор чиқаради. Суғурталовчи суғурта ҳодисасини тан олса, суғурта товонининг миқдорини белгилайди ва тегишли суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатномани **Суғурта қилдирувчига** тақдим этади. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатномага барча томонлар қўл қўйгандан сўнг 10 (ун) банк куни ичида Суғурталовчи суғурта товонини **Суғурта қилдирувчига** тўлайди.

6.8. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослангирлиги далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

6.9. Агар суғурта ҳодисаси жиноят натижасида содир бўлган бўлса, ва жавобгар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса, бундай ҳолатларда суғурта товони Суғурта қилдирувчига жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари тугатилгандан сўнг тўланади.

6.10. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва қўрилган Зарар тўғрисида ва миқдорида барча харажатлар Суғурта қилдирувчи зиммасида бўлади (шу жумладан, лозим бўлганда, экспертиза қилиш, мутахассисларни жалб этиш, тегишли ҳужжатларни йиғиш ва ҳ.к.).

### 7. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ТУГАШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

7.1. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда тугайди:

- 7.1.1. шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;
- 7.1.2. суғурта шартномасини тузган юридик шахс - Суғурта қилдирувчи фаолияти тугатилса;
- 7.1.3. суд қарорига қўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;
- 7.1.4. суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган мажбуриятини тўлиқ бажарганда;
- 7.1.5. Микроқарз шартномаси муддатдан илгари тугатилса.

7.2. Томонлардан бирининг ёзма аризасига қўра суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Шартномани бекор қилмоқчи томон ариза билан бошқа томонларга камида ўттиз кун аввал мурожаат этиши лозим.

7.4. Агар Суғурталовчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурта қилдирувчи шартномадан муддатидан илгари воз кечганда у тўлаган суғурта мукофотлари унга тўла қайтарилади; бошқа ҳолатларда суғурта шартнома муддатидан илгари бекор қилинса, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофотлар қайтарилмайди.

7.5. Агар суғурта шартнома имзолангандан кейин 30 (ўттиз) кун ичида суғурта мукофоти тўланмаса, шартнома кучга кирмаган бўлиб, бекор қилиниши мумкин.

7.6. Суғурта мукофоти шартномада белгиланган муддатларда тўла ёки қисман тўланмаслиги “шартномани жиддий бўзилиши” ҳисобланади ва ЎзР “Хўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонуннинг 15-бандига асосан Суғурталовчи томонидан шартномани бекор қилишга олиб келади.

## **8. РЕГРЕСС ХУҚУҚИ**

8.1. Суғурта товонини олган суғурта қилдирувчи ўзидан суғурталовчига ўтган суғурта ҳодисаси учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни суғурталовчига бериши ҳамда талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча чораларни кўриши керак.

## **9.ФОРС – МАЖОР**

9.1. Форс - мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

9.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқултда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ходисалари (зилзила, ер ости каватларининг силжиши, бўронлар, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек, ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) форс-мажор ҳолатига қиради.

9.3. Форс - мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар. Агар, форс - мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор давом этган муддатгача узайтирилади.

## **10. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

10.1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолларда эса, низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

## **11. БОШҚА ШАРТЛАР**

11.1. Мазкур Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар барча шартнома қатнашчиларининг розилиги билан ёзма равишда киритилиши мумкин.

11.2. Томонларнинг мазкур Шартномада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

11.3. Мазкур Шартнома имзолангандан сўн **Суғурталовчи** белгиланган суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, ва ўз вақтида тўланмаган ёки кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жами 50% дан ошмаган жарима белгилашга ҳақлидир. **Суғурта қилдирувчи** ўз навбатида, унга тегишли бўлган суғурта қопламаси тўланиши кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жами 50% дан ошмаган жарима белгилашга ҳақлидир.